тизими фаолятини чиниқтиришда ва бошқа қатор фаолятларда муҳим аҳамият касб этади [1;4]. Бироқ ҳозирги кунда кам ҳаракатлилиқ ёки гиподинамия ер юзи аҳолисининг саломатлигига таҳдид солмоқда. Бир кечаю-кундузда одам организми ўрта ҳисобда 2800-3800 ккал энергия сарф қилиши ва шундан 1200-1900 ккал энергияни жисмоний фаоллиқга сарфланиши лозим бўлса, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич охириги 100 йил ичида 200 баробар камайиб кетганлиги таъкидланмоқда [2;5]. Фаол ҳаракатнинг бу тарзда чекланиши натижасида организмдаги барча аъзо ва тизимларнинг меъерий иш фаоляти бузилади. Ҳозирги пайтда шу нарса илмий равишда асосланганки, артериал қон босимининг юқори бўлиши, яъни гипертония, олиб борилган тадқиқотларга кўра ўқувчиларга умумий ривожлантирувчи машқлар билан мустақил шуғулланишни 10-11 ёшдан ўргатиш мақсадга мувофиқ эканлигини тавсия этилади.

Бундай машқлар ҳаракат аппарати, юрак қон томирлар ва нафас олиш органлари тизими ишларини фаоллаштиради, тананинг айрим мушак гуруҳлари, бўғимлар, гавданинг пастки ва юқори мушакларига таъсир этади. натижада юрак-қон томир уриши ва нафас олиш тизими тезлашиб, аъзо ва тўқималарга кислород етказиб бериш кўпаяди, мушаклар чўзилувчанлиги ва тана ҳарорати ошади [5].

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришда уларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва махсус марказлар танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни тадбиқ қилишга кўмаклашиш ўз ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланди. Жисмоний сифатлар бола организмнинг морфо-функционал, психофизиологик ва биологик хусусиятлари билан боғлиқ. Асосий жисмоний сифатлар (тезкорлик, куч, чидамлилиқ, чаққонлик ва эгилувчанлик)нинг ривожланиши ҳаракат кўникмаларининг шаклланиши билан узвий боғлиқликда кечади. Тезкорлик - бу ҳаракатни имкон қадар катта тезликда бажара олиш қобилиятидир. Б.Б.Раҳимовнинг ўтказган тадқиқот ишлари натижаларига кўра 7 ёшдан 9-10 ёшгача бўлган болаларда тезкорлик имкониятларининг табиий равишда шиддатли ўтиши кузатилади [4].

Бу даврда тезкорликни ривожлантиришга қаратилган саъй ҳаракатлар яхши самара беради. Куч-бу мускул зўриқиш воситасида қаршилиқни енга олиш фаолятидир. Ёшга қараб ўсишда куч сифатининг ривожланиши ва мускул кучининг интенсив фарқланиши ўғил болаларда икки даврга ажратилади. 9 ёшдан 12 ёшгача ва 14-17 ёшгача. Қиз болаларда мускул кучи 8-9 дан 13-14 ёшгача интенсив ўсади [1;3].

Кичик мактаб ёшида организм ривожланишининг анатомик-физиологик хусусиятлари билан боғлиқ равишда, бу сифатни ривожлантиришни кучайтириш тавсия этилмайди. Кучни тарбиялаш чегараланган характерда



бўлиши керак. Агар бу юклама миқдор жиҳатидан нотўғри бўлса, кўнгилсиз из қолдириши, масалан, қомат бузилиши мумкин. Чидамлилик - бу организмнинг бирор фаолият чоғида толиқишга қарши тура олиш қобилиятидир. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларнинг чидамлилик кўрсаткичлари юқори эмас, яъни яқин вақтларгача кенг тарқалган нуқтаи-назарга кўра, бу ёшда чидамлилик машқларини ўтказиш мумкин эмас эди. Аммо кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатмоқда. Бу ёшдан бошлаб юкломани тўғри тақсимлаш билан бирга чидамлиликни ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мумкин экан. Эпчиллик-ҳаракатларни уйғунлаштириш қобилияти, янгиларини эгаллаш, тўсатдан.

Спорт ўйинлари турлари билан шуғулланиш ёш болаларда уларнинг ёшлари ва организмнинг тараққий этиш даражасига қараб врачлар кўриги танловида сараланиб, ташкилланади. Ана шу қоидаларга риоя қилинган ҳолда давлатимизда ёшлиқдан бошланган жисмоний тарбиянинг кенг оммавийлашиши нафақат соғломлаштириш, балки туғма нуқсонларнинг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш, қолаверса кишиларнинг умрини узайтиришга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Вайнер Э.Н. Валеология. Учебник для вузов - М., Флинта, Наука, 2001.

2. Спортивная медицина. / Под ред. В.Л.Карпмана. – М.: Физкультура и спорт, 1987. -304 с.

3. Среднесуточные рациональные нормы пищевых продуктов в колледжах олимпийского резерва и специализированных школах-интернатах спортивного профиля. СанПиН №0274-09. Составители: Шарипова Н.В., Рахимов Б.Б. и др. – Ташкент, 2009. – 15 с.

4. Стогова Л.И. Динамика некоторых показателей тренированности подростков и юношей, занимающихся спортом. В кн. Актуальные вопросы врачебного контроля. - М., 1965.

5. Физическая культура и здоровый образ жизни студенческой молодежи: Учебное пособие. – М.: Изд-во МГСУ «Союз», 2000. – 250 с.

6. Курбонов Ш.Қ., Курбонов А.Ш. Жисмоний машқларнинг физиологик асослари. Т., 2003. -130 бет.

#### **Резюме:**

Мақолада жисмоний тарбия, спортнинг соғлом авлод шаклланишидаги ўрни ва уларни организм ривожланишининг анатомик-физиологик хусусиятларига таъсири ёритилган. Жисмоний сифатлар бола организмнинг морфо-функционал, психофизиологик ва биологик хусусиятлари билан боғлиқ.

#### **Резюме:**

В статье описывается роль физической культуры, спорта в формировании здорового поколения и их влияние на анатомо-физиологические особенности развития организма. Физические качества

связаны с морфофункциональными, психофизиологическими и биологическими особенностями детского организма.

### **Rezume:**

The article covers the role of physical education, sports in the formation of a healthy generation and their influence on the anatomical and physiological characteristics of the development of the body. Physical qualities are associated with the Morpho-functional, psychophysiological and biological characteristics of the child's organism.

**Калит сўзлар:** овқат рациони, физиологик соғлом жинс, тезкорлик, куч, чидамлилиқ, чаққонлик, эгилувчанлик.

**Ключевые слова:** диета, физиологически здоровый пол, скорость, сила, выносливость, ловкость, гибкость.

**Keywords:** food ration, physiologically healthy sex, speed, strength, endurance, agility, flexibility.

**UDK. 796.31/.32**

## **BASKETBOL SPORT O‘YINLARINING FIZIOLOGIK TASNIFI**

**R.A.Ernazarova<sup>1</sup>, G.M.Joldasbaeva<sup>2</sup>**

**<sup>1</sup>O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti Nukus filiali**

**<sup>2</sup>Nukus shahri 27-maktab o‘qituvchisi**

Sport o‘yinlariga futbol, basketbol, voleybol, shaybali xokkey va boshqalar kirib, hammasida tezlik va kuch bilan bajariladigan aralash tipdagi, ya’ni siklik va atsiklik harakatlardan iborat dinamik ish bajariladi. Bunday ishlarda atsiklik harakatlar ustun turadi. O‘yin vaqtida kuch ishlatish usullarida qisqa muddatli statik kuchlanishlar yuzaga keladi. Sport o‘yinlaridagi siklik harakatlar quvvati o‘zgaruvchan bo‘lib, ular katta, submaksimal va maksimal quvvatda bajariladi. Ko‘pincha o‘yin vaqtida (o‘yin qoidasini buzish, to‘pning maydondan chiqib ketishi, bir minutlik tanaffus va boshqalar vaqtida) harakatning butunlay to‘xtalishi ham kuzatiladi.

Sport o‘yinlari bilan shug‘ullanish harakat tezligini, kuchni, chaqqonlikni va o‘zgaruvchan quvvatdagi ishlarni bajarishga maxsus chidamlilikni rivojlantiradi. Sportchilarning sistemali shug‘ullanishi natijasida o‘yinning ayrim qismlaridagi harakatlarga stereotip hosil bo‘ladi. Sharoitni o‘zgarishi bilan bog‘liq sport turlari nerv protsesslarining harakatchanligini takkomillashtiradi. Shartli harakat reaksiyalari latent davrining kamayishi uning ko‘satkichlaridan hisoblanadi.

Sport o‘yinlari bilan shug‘ullanishda ko‘rish, eshitish, vestibulyar va harakat analizatorlarining bergan ma’lumotlari harakatni aniq va kelishgan holda bajarilishi uchun muhim ahamiyatga ega. Mashqlarni bajarishga alohida talab qo‘yiladi. V.S.Farfelning (1969) jismoniy mashqlarning fiziologik tasnifiga ko‘ra, sport o‘yinlari vaziyatga bog‘liq, nostandart harakatlarga yoki sport turiga kiritiladi.

Sport faoliyatining bu turlari bajarilish sharoitining turg'un emasligi bilan farqlanadi, unda bajariladigan stereotipli bo'lmashligi, bir xilda takrorlanmasligi, vaziyatning tinimsiz o'zgarishi ularga xos bo'ladi.

Sportchining harakatlari eng avvalo raqib bilan yoki o'zining jamoasi bilan o'zaro munosabat orqali belgilanadi, oldindan aytilmaydi va sportchining sheriklari va raqibining harakatlariga xos holda o'zgartiriladi. Shu bilan birga sport o'yinlari davomida sportchining harakatlari ma'lum darajada stereotipli, siklik (yurish, yugurish va hokazo) xususiyatga ega bo'ladi. Lekin harakatning ko'pchilik qismi atsiklik xarakterli va tezlik-kuch bilan bajariladigan (koptokni tashlashlar, sakrash, zarba berish) harakatdan iborat.

Sport o'yinlarining ikkinchi xususiyati – ularning yuqori darajada hayajon bilan kuzatilishidir. Hatto odatdagi, yuzlab takrorlangan mashqlarda ham, ertami-kechmi sportchi hayajonlanishini faollashtiradi.

Mashq qilish sharoitlarida, ayniqsa musobaqalar o'tkazilishida sportchidagi hayajonlanish aynan stress reaksiyaga yaqin boradi.

Hayajonlanish holati organizmning moslashish reaksiyalarining muhim shakli bo'lib, kishining o'rab turgan muhitga samarali moslashishida juda katta ahamiyatga ega. Hayajonlanish holatining muhim xususiyati uning umumiyligidir (P.K.Anoxin, 1970; K.V.Sudakov, 1976). Mashq qilishda umumiy adaptatsiya mexanizmlarning farqlanishi, faqat energiyani emas, balki organizmning plastik zahiralarni safarbar etilishini ta'minlaydilar, gormonal faolligining o'zgarishiga olib keladi. Sport o'yini bilan shug'ullanuvchi sportchi organizmdagi vegetativ o'zgarishlar sportchining faqat harakatlari uchun sarflanadigan energiyaga nisbatan olganda ancha ortiq bo'ladi. Masalan, A.B.Gandelsman, R.R.Kim 1998)larning dalillari bo'yicha bokschilarning olishuv paytida yurak urish soni daqiqasiga 200 ga yetadi. Bunday kislorod o'zlashtirish 3 l/daq ni tashkil etadi, qachonki bunday kislorod o'zlashtirish yurakning bir daqiqada 160 marta qisqarishiga to'g'ri keladi. Bunday ishda yurak-tomir ishining qayd etilgan tafovuti (yurak urishining 50 taga ortiqligi) sportchining gormonal mexanizmi faollashishi bilan hayajonlanish reaksiyasi ta'siri deb qaralishi mumkin. Shunday qilib sport o'yinlaridagi hayajonlanish sportchining o'yinda vegetativ reaksiyalarning ifodalanishini kuchaytiradi.

Sport o'yinlarini boshqa sport turlaridan uchunchi tafovuti malaka ortgan sayin sensor sistemalar funksiyasining ancha ortishidir. Bu sport kurashi borishida ko'p sonda axboratni, shuningdek o'yin maydonidagi va sportchi o'zining holatidagi o'zgarishlarni qabul qilishi va ularni samarali qayta ishlash zaruratidir.

Sport o'yinchilarida ko'rish sensor sistemasi birinchi navbatda takomillashadi, bu sistema orqali axboratning 80%ni qabul qilinadi. Sportchilarda oddiy va murakkab reaksiyalar kechishida axboratlarni qayta ishlash tezligi ortadi, bo'layotgan hodisani ko'rish va baholash qobiliyati yaxshilanadi, shuningdek sportchining ko'rish maydoni kengayadi. Boshqa analizatorlarning ishlashida ham ijobiy o'zgarishlar bo'ladi. Ayniqsa vestibulyar analizator faoliyatida sezilarli

o'zgarish yuzaga keladi. Sportchining o'yin maydonida tez surilishlari keskin burilishlar, yiqilish va zarba berishlar bu sensor sistemani tinimsiz ta'sirlaydi. Bu analizatorning yetarli turg'unlikka ega bo'lmasligida sportchi harakatlarining (koptokni tashlashlar, uzatish, unga zarba berishlar) aniqligi yomonlashadi, vegetativ reaksiyalar buziladi.

Sport o'yinlari bilan muntazam shug'ullanishda o'yinchilarda sensor axboratlar asosida o'ziga xos sintetik sezgi, "koptokni sezish", "boshni sezish" va hokazolar shakllanadi. Ko'rsatilgan "sezgilar" ayniqsa yaxshi sport formasiga ega sportchilarda kuchaygan bo'lib, yetarli jismoniy chiniqmagan yoki zo'riqishlarda so'nadi. Sport o'yinlaridagi funksiyalarning boshqa xususiyatlari sport o'yinlarining har bir turida ancha batafsil va aniq qarab chiqilishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

Boshqa sport turlarining vakillariga nisbatan yuqori klassli basketbolchilar bo'yining 180-190 sm va undan ortiq, ko'krak qafasining nisbatan tor, shuning uchun og'ir vaznli bo'lishi bilan farqlanadi. Bu sport faoliyatida ma'lum darajada ta'sir ko'rsatadi. Basketbol sporti o'yinlarning aerob imkoniyatlariga yuqori talab qo'yadi. Shu bilan birga basketbol o'yinida 4-8 litrgacha himoya kislorod qarzi yuzaga keladi. Bu ancha darajada anaerob jarayonlarga talabni tasdiqlaydi. Basketbolchilarda o'yin vaqtida 900-1200 kkal energiya sarflanadi.

*Basketbolchilarning markaziy nerv sistemasidagi farqi* harakatlarni katta tezlikda bajarilishi ularning shakli va yo'nalishining tez-tez almashinishi, shuningdek muskul faoliyati shiddatining tez-tez o'zgarishlari MNTga katta talablar qo'yadi. Mashq qilish jarayonida o'yinchilarda nerv jarayonlarining kuchi va harakatchanligi ortadi. I razryadli basketbolchilarda harakat reaksiyasining vaqti 0.140-0.160 soniyani tashkil etadi.

*Basketbolshilarning analizatorlar sistemasining farqi* ko'pchilik analizatorlarga yuqori talab qo'yadi. Sport maydonchasini ko'rish, kalla suyagining yuz qismi, ko'z olmasi to'r qavatining tuzilishi va uning qo'zg'aluvchangligi, shuningdek ko'z muskullarining rivojlanishi darajasiga bog'liq bo'ladi.

Basketbolchilarning o'yin vaqtida fazoni ko'rishi katta ahamiyatga ega bo'lib, boshqa sport turi vakillariga nisbatan ularda ko'zning ko'rish maydoni oq rangga o'rtacha hisobda 9%ga, yashil rangga o'rtacha 32%ga kattalashgan bo'ladi. Yuqori malakali basketbolchilarda harakat analizatori yaxshi rivojlangan. U bajaradigan harakatlarning kuchi, amplitudasi, yo'nalishi haqida axborat beradi.

Harakat analizatorining funksional holati berilgan harakatlarning qanday aniqlikda bajarilishi, koptokni uzatish, tashlash aniqligi bilan baholanadi. Koptokni halqaga aniq tashlash va uzatish uchun ayniqsa bilak-kaft bo'g'imlaridagi propioretseptiv sezuvchanglik alohida ahamiyatga ega. Sportchining muffaqiyatli faoliyati uchun vestibulyar apparat turg'unligi muhim ahamiyatga ega. Vestibulyar apparatning chidamsizligi koptokning aniq uzatish imkonini bermasligi mumkin.

### Basketbolchilarda mashq qilish va musobaqa o'yinlari ta'sirida bo'ladigan funksional o'zgarishlar (N.I.Volkov bo'yicha)

Ko'rsatkichlar	O'rtachasi	Tebranishi
O'yin vaqtidagi maksimal puls soni, 1 daq	198,9	180-230
O'yin vaqtidagi o'rtacha puls soni, 1 daq	114,0	90,5-147,5
Kislorod o'zlashtirish darajasi, l/daq	3,25	2,87-3,78
MKO'ga nisbatan kislorod o'zlashtirilishi, %	85,8	72,3g'96,6
Umumiy kislorod qarzi, l	5,87	4,49-7,9
O'pka ventilyatsiyasining darajasi, l/daq	79,5	59,5-106

*Basketbolchilarning nafas olish jarayonida nafasning bir daqiqadagi soni 50-60, nafasning daqiqalik hajmi 120-150l ni tashkil etadi. Erkaklarda o'yin vaqtida kislorodni maksimal o'zlashtirilishi 5,54 l/daq (59 ml/daq/kg); ayollarda 4.37 l/daq (54,6ml/daq/kg)ni tashkil etadi. O'yin jarayonida kislorod o'zlashtirishning maksimal miqdoridan 72,3-96,6% ni tashkil etadi. Bo'yi 200 sm dan ortiq bo'lgan basketbolchilarda ish davrida kislorod ko'p o'zlashtirilishiga qaramay 1kg vaznga aerob yo'l bilan energiya hosil bo'lishi 45ml/daq/kg, bo'yi 180sm li basketbolchilarga nisbatan past, ya'ni keyingilarda 63ml/daq/kg bo'ladi.*

*Basketbolchilarning qon aylanishi.* Mashq qilish va musobaqa vaqtlarida yurakning vaqt birligidagi qisqarish soni turg'un bo'lmaydi. Mashq qilish davrida o'rtacha hisobda yurakning bir daqiqada 130-160 gacha, o'yin vaqtida 150-180 gacha, sakrash va startdagi tezlanishlarda 200 gacha qisqaradi. Arterial qon bosimi 180-200mm.s.u. gacha, qonning daqiqalik hajmi 24l gacha, sistolik hajmi 167 ml gacha yetadi.

*Basketbolchilarning ayiruv funksiyasi.* O'yin vaqtida ayiruv jarayonlari asosan ter bezlari, buyraklar orqali amalga oshib, siydik ajralishining kamayishi, uning solishtirma og'irligining ortishi yuzaga keladi. O'yindan keyin siydikda sut kislotasi, siydik kislotalari konsentratsiyasi ko'payadi, oqsil paydo bo'ladi. Sportchi vazni o'yin shiddatiga bog'liq bo'lib, o'rta hisobda 2-3kg ga teng bo'ladi.

*Basketbolchilarning tiklanish jarayonlarining ta'rifi.* Basketbolchi faoliyatining o'zgaruvchan tezlik bilan bajarilishi o'yin paytida funkciyalarning ancha tebranishiga sabab bo'ladi. Tiklanishda organizm ishki muxitining tarkibi normallashadi va hujayralar ichidagi energiya zaxiralari to'ldiriladi. Bunda zaxira moddalarining tiklanishi to'ishlashgacha bo'lgan darajadan ortiq (superkompensatsiya hodisasi) bo'ladi, bu organizmning ish qobiliyatini oshiradi. Yuqori malakali va jismoniy yaxshi chiniqqan basketbolchida o'yin orasidagi dam olishlarda yurakning daqiqalik qisqarishi ishgacha bo'lgan darajaga yaqinlashishi mumkin. Shu bilan birga ularda butun o'yin davomida yaxshi tiklanish reaksiyasi saqlanadi. Yuqori klassli basketbolchilarda yurak qisqarish sonining fiziologik tremor kabi moslashish reaksiyalarining tiklanishi 6-9 soat atrofida bo'ladi. (A.V.Romashov, G.S.Fomin). Past klassli basketbolchilarda mashq qilish mashg'ulotlaridan keyin 12 soat davomida tashqi nafas, kislorod o'zlashtirish tinch holatidagidan ancha yuqori darajada bo'ladi. Shu bilan bir vaqtda kislorod

yetishmasligiga moslashish uncha yaxshi bo‘lmaydi, bu qonning kislorodga boyish darajasining pasayishida, tashqi nafasning kompensator ortishida, gipoksemiya rivojlanishida ifodalanadi, funksiyalarning normal holatga qaytishi 12-24 soatga cho‘ziladi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Пўлатова М.Д., Сафарова Д.Д Спорт физиологияси Тошкент-2014 (128-132)
2. Азимов И.Ф., Собитов Ш.С. Айрим спорт турларининг физиологик таърифи. Т., 1995. (40-56)
3. Азимов И.Ф., Собитов Ш.С. Спорт физиологияси. Т., 1993. (27-45)
4. Пўлатова М.Д. Спорт физиологиясидан лаборатория машгулотлари. Услубий кўлланма. Т., 2012. (16)
5. Солодков А.С., Сологуб Е.Б. Физиология человека. Общая. Спортивная. Возрастная. М., 2010. (45-90)

#### **Rezyume:**

Sport o‘yinlari bilan shug‘ullanish harakat tezligini, kuchni, chaqqonlikni va o‘zgaruvchan quvvatdagi ishlarni bajarishga maxsus chidamlilikni rivojlantiradi. Sportchilarning sistemali shug‘ullanihi natijasida o‘yinning ayrim qismlaridagi harakatlarga stereotip hosil bo‘ladi. Sharoitni o‘zgarishi bilan bog‘liq sport turlari nerv protsesslarining harakatchanligini takkomillashtiradi. Shartli harakat reaksiyalari latent davrining kamayishi uning ko‘satkichlaridan hisoblanadi.

#### **Резюме:**

Занятия спортом развивают скорость движений, силу, ловкость и особую выносливость для выполнения задач переменной мощности. В результате систематической подготовки спортсменов формируется стереотип действий в некоторых частях игры. Спорт, связанный с изменением условий, улучшает подвижность нервных процессов. Одним из ее показателей является уменьшение латентного периода условно-двигательных реакций.

#### **Resume:**

Playing sports develops speed of movement, strength, agility, and special endurance to perform variable power tasks. As a result of the systematic training of athletes, a stereotype is formed for actions in some parts of the game. Sports related to changes in conditions improve the mobility of nervous processes. A decrease in the latent period of conditional movement reactions is one of its indicators.

**Tayanch so‘zlar:** siklik, atsiklik, stereotip, sensor, statik, nostandart, analizator, koncentraciya, latent, kompensator, gipoksemiya.

**Ключевые слова:** циклический, ациклический, стереотипный, сенсорный, статический, нестандартный, анализатор, концентрационный, латентный, компенсаторный, гипоксемия.

**Key words:** cyclic, acyclic, stereotip, sensor, static, non-standard, analyzer, concentration, latent, compensator, hypoxemia.

УДК. 37.048.2

## БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОСИ ТАҲЛИЛИ

Д.А.Қурбонова

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистранти*

Ўзбекистон жаҳон таълим ҳамжамиятига интеграциялашаётган даврда назария билан амалиёт алоқадорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тизим жорий қилишга қаратилган ташкилий педагогик ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда ўқув-тарбиявий ишларнинг педагогик назарияси ва амалиёт билан алоқадорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Педагогика соҳасида “узлуксиз таълим” тушунчаси борасида кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилган. Г.П.Зинченко узлуксиз таълим муаммоси “тушунча” шаклидагина эмас, балки ғоя шаклида тушунилади, деб ҳисоблайди. Муаллиф ушбу фикрни ярим тахминлар, ярим ғоялар шаклида Платон ва Аристотеллар ҳам айтадилар, деб кўрсатади.

Россияда шу каби ғоялар тараққийпарвар педагоглар концепцияларида ҳам илгари сурилган. Жумладан, Н.И.Пирогов, К.Д.Ушинский ҳам ушбу фикрни турлича баён этганлар. Ушбу фикр Д.И.Писарев томонидан «Реалисты» асарида ўзига хос таърифланади: «Мактабда билим олиш керак, аммо мактабни тугатгандан сўнг янада кўпроқ ўқиш керак ва бу иккинчи ўқиш инсонга ва жамиятга ўзининг оқибатлари билан, ўзининг таъсири билан биринчисидан анча муҳимдир» [1].

Жисмоний тарбия таълими умуман тизимнинг бир қисми сифатида ва ушбу соҳа учун махсус тенденциялар амал қилади. Шу сабабли узлуксиз таълим муаммоси барча аҳоли жисмоний тарбияси ва шу каби мутахассислар касбий жисмоний тарбияси билан шуғулланувчи олим ва мутахассисларнинг ҳам эътиборида бўлади. Жисмоний тарбия таълими муаммоси, айниқса, ўтган асрнинг 70-80- йилларида фаол ишлаб чиқилади.

Узлуксиз таълимнинг умумий тизимида узлуксиз педагогик амалиёт, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини бу жараёнга тайёрлаш ҳолатининг таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис «узлуксиз жисмоний тарбия таълими» тушунчаси бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Е.П.Каргаполов ва В.В.Приходьколар томонидан илгари сурилган концепцияга кўра, «узлуксиз жисмоний тарбия бўлажак педагоглар, аввало, ўзларининг жисмоний тарбияси, иккинчи томондан эса тарбияланувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва уларнинг индивидуаллигидан келиб чиқиши керак.

А.П.Слободян ва Е.П.Каргаполовлар «Узлуксиз жисмоний тарбия таълими – бу муҳит ва вақт давомида таълимнинг босқичлари, даврлари, даражалари кетма-кетлигини таъминловчи таълим фаолияти шароитларида

шахснинг маданий-тарихий, дунёқараш ва педагогик технологияларни эгаллаши жараёни» эканлигини таъкидлаганлар.

Умуман олганда, мутахассиснинг узлуксиз жисмоний тарбия таълимини унинг ўқув фаолияти, узлуксиз босқичма-босқич касбий ривожланиши белгилайди, унинг ҳаёт тарзи, ажралмас ва табиий бўлаги деб тушунилади.

Узлуксиз касбий таълим соҳасида жисмоний тарбия мутахассисини узлуксиз касбий тайёрлашнинг ажралмас бир қисми сифатида ҳар бир босқичда назарий билимларни ўзлаштириш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш даражаси кўрсаткичи ҳисобланиб, унда педагогик амалиёт муҳим ўрин эгаллайди.

Бевосита жисмоний тарбия соҳаси бўйича Т.С.Усмонхуджаев, Ф.Хўжаев, Л.Цейтлина, И.А.Кошбахтиев, М.Б.Сапарбаев, А.Абдиев, Ж.Э.Юсуповларнинг тадқиқотларида малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимининг турли муаммолари тадқиқ этилган бўлиб, бу манбалар аввалги давр таълим тажрибаларини таҳлил қилиш, олий, касб-ҳунар ҳамда умумий ўрта таълим мактабининг кўп поғонали тузилиши учун методологик асос, педагогик шарт-шароитлар юзага келганлигидан далолат беради.

Таълим соҳасида келгусида жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида умуминсоний кадрият сифатида жисмоний тарбия таълими олий таълим муассасалари талабалари эҳтиёжларини қондиришга ёрдам бериш, уларни шахс сифатида ривожлантиришга ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишларига ёрдам беришга қодир, шунингдек, жамиятнинг илмли, маданиятли, инсонпарварликка йўналган жисмоний тарбия ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилади [2].

Бугунги кунда жисмоний тарбия таълим муассасаларида ижтимоий шароитларнинг ўзгариши, унинг янги талаблари, ижтимоий-иқтисодий потенциали, ижтимоий-маданий ва психологик муҳитни инобатга олиб мутахассисларни тайёрлаш лозимлиги кўпчилик учун муҳим масала. Бунинг учун эса мослашувчанлик, эркин ҳаракатлар ва максимал даражада жамиятнинг ижтимоий талабларини оқилона тўлдириш керак, яъни жисмоний тарбия таълимида узлуксиз педагогик амалиётнинг кўп босқичли тузилишини мувофиқлаштириш ғоясининг ўзида қабул қилинган шароитлар зарур.

Олий таълим муассасасида таълим даврида педагогик фаолият тузилишини ва педагог шахсини шакллантириш жараёнини ўрганишда жисмоний тарбия ўқитувчиси профессияграммасини ишлаб чиқишда катта ютуқларга эришилган. Шу билан бирга, келгусида жисмоний тарбия ўқитувчисини тайёрлаш борасида узлуксиз педагогик амалиётни тизимлаштириш масаласининг илмий-назарий, ташкилий-педагогик ва методик асослари лозим даражада тадқиқ қилинмаган. Узлуксиз педагогик амалиёт даврида талабаларнинг билимларини муваффақиятли амалга ошириш, биринчидан, қўйилган амалий масалаларни ҳал этиш учун лозим



бўлган, аввал ўзлаштирган билимларини кучайтиришни, иккинчидан, уларни бирлаштиришни, умумийлаштиришни назарда тутди.

О.А.Абдуллинанинг фикрига кўра, фақат талабаларнинг шахсий тажрибаларига таяниб назарий масалаларни муҳокама қилиш борасида уларнинг билимларини кучайтириш мумкин. Билимларини кучайтириш илгари ўзлаштирган билимлари сифатини текшириш ҳамда уларни мустаҳкамлашга, аниқлаштиришга, оидинлаштиришга имкон яратади.

Хорижий тадқиқотларнинг таҳлили у ерда, асосан, жисмоний тарбия ўқитувчиси профессияграммаси устида ишлар олиб боришга, педагогик амалиёт тузилиши ва мазмунини такомиллаштиришга, педагогнинг касбий фаолиятида лозим бўладиган касбий билим, малака ва кўникмаларни аниқлашга қаратилганлигини кўрсатади. Бу борада Б.Бромберг, Т.Вилох, М.Козакевич, Ю.Кози, Т.Малиновски (Польша), И.Коташек (Чехия), В.Кирш, Х.Флах, У.Шварцер (Германия), Г.Атанасов, П.Драганов, С.Жекова (Болгария), И.Фалуш (Венгрия) ва бошқалар тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ўқитувчиларни тайёрлаш муаммосини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институтлари ташкил қилинган бўлиб, ўқитувчиларни тайёрлаш назарияси ва методикаси институти (Германия), ўқитувчилар таълими институти (Польша), Ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, педагог шахсини ўрганиш институти (Чехия) каби илмий тадқиқот муассасаларида педагогик амалиёт масалалари ҳам тадқиқ этилган.

Польшалик машҳур педагог В.Оконь тадқиқотларида психологик-педагогик фанларни ўрганиш жараёнида талабаларнинг идрок этиш фаолиятларини фаоллаштириш йўллари аниқлашга алоҳида эътибор қузатилади [3].

Кўпгина тадқиқотчилар узлуксиз педагогик амалиётни педагогик таълим муассасаларида ўқув жараёнининг бир ажралмас қисми, касбий малака ва кўникмаларни эгаллаш воситаси ҳамда педагогик фикрлашни ривожлантириш, назарий билимларини амалий фаолиятда қўллаш воситаси сифатида, ўқитиш илмий методлари ва педагогик тажрибани эгаллаш воситаси борасида қарайдилар.

Европанинг айрим мамлакатларида, хусусан, Польша, Чехия, Нидерланды, Германия каби мамлакатлар педагогик ўқув муассасаларида ўқув машғулотларининг маълум босқичларида соҳанинг амалиётига оид видеолари билан микротаълим ва телелавҳалар жуда кенг қўлланилади.

Япония, Швеция, Германия, АҚШ каби мамлакатлар университетларида жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича мавжуд амалиётни таҳлил этар экан, В.К.Балесевич умумфан тайёргарлик амалиёти мавжуд эканлиги, унинг асосида умумпедагогик тайёргарликлар, бўлажак ўқитувчиларнинг дарс ўқитиш методикаси ва амалий малакалар билан қуроллантириш амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтган.

Аммо бу мамлакатларда шу билан бирга педагогнинг умумпедагогик тайёргарлиги мазмуни ўзига хос хусусиятлари, биринчидан, педагогик назарияни ўрганиш аҳамиятини етарлича баҳоламаслик, аксинча, уларни амалий тайёрлаш аҳамиятини ортикча баҳолаш; иккинчидан, таълим олишнинг барча босқичлари давомида талабаларнинг индивидуаллигидан келиб чиққан ҳолда таълим мазмунини дифференциаллаш каби муҳим педагогик омилларга етарли эътибор қаратилмаган. Бундан ташқари, ўқув муассасалари ўқув режалари ва дастурларида фарқ бўлиб, ҳар бир таълим муассасаси педагогнинг касбий тайёрлаш мазмунини ўзи белгилайди.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг педагогик амалиётини назарий билимлар билан ҳамоҳангликда ташкил этиш бўйича АҚШ тажрибасининг ўзига хос жиҳати шундаки, педагогик дарсларнинг турли-туманлилиги кўп фанлиликка олиб келади, натижада курсларнинг тарқоқлиги, қатор мавзуларнинг такрорланиши кузатилади [4].

Бу ҳолат уларнинг турли педагогик вазиятлар билан янада яқиндан танишишлари ва уларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаларини такомиллаштишига асос яратади. Бунинг учун талабалар ўтказадиган дарслар сонини ошириш эмас, балки, истиқболдаги педагогик фаолиятда керакли расмий мавқега эга бўладиган даражага эга бўлишини таъкидлайдиган педагогик ва амалий йўналишдаги машғулотлар салмоғини ошириш ва бу фаолиятни ташкил этиш лозим, яъни педагогик амалиётда ўзгаришлар ҳақиқатда самарали бўлиши учун уни қайта ташкил этиш, аниқ мақсадларга эришиш, натижаларини объектив баҳолашга имкон берувчи илмий тадқиқотлар олиб бориш керак. Бу тадқиқотлар жамиятнинг кадрларга нисбатан талаби, эҳтиёжи асосида муттасил олиб бориш тенденцияларининг тадқиқ этилишини ҳам назарда тутиш лозим. Канадада талабаларнинг узлуксиз педагогик амалиётлари қизиқарли алгоритми ишлаб чиқилган. У кўп жиҳатдан ноанъанавий ҳисобланиб, асосий хусусиятлари қуйидагилардан ташкил топган:

- талабанинг педагогик фаолияти билан боғлиқ бўлган амалий вазиятга киришиши аста-секинлик билан амалга оширилади ва таълим мазмуни, педагогик амалиёт тартиби ҳар бир талаба учун индивидуал белгиланади;

- ҳар бир ўқув чораги бошида педагогик амалиёт раҳбарлари ва ўқитувчи-кураторлар мажлиси ўтказилади, улар орасида эса амалиёт раҳбарлари учун доимий семинарлар белгиланади. Унда талабаларнинг амалий тайёргарликлари масалалари муҳокама қилинади. Бу уларга ҳар бирининг умумий ишдаги ролини тушунтириш ва педагогик фаолият умумий вазифаларини янада чуқурроқ тушунишларига эришишга имкон яратади;

- узлуксиз педагогик амалиёт давомийлиги оширилади, бу дарс ўтишга аста секинлик билан ўтишни амалга оширишга ҳамда талабаларда педагогик кўникмаларни шакллантириш вазифаларидан келиб чиқишга имкон беради. Албатта, бу талабаларнинг ҳақиқий мактаб ҳаётига мослашишлари аспектини осонлаштиради.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида Жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон Фармони.

2. Абдулина О.А., Загряскина Н.Н. Педагогическая практика студентов; Учеб; пособие для студентов пед. 2е изд, перераб, доп. - М: Просвещение, 1992.

3. Аскарлова Ў.М. Педагогикадан амалий машғулотлар. Т:Истиклол» 2005 й.

4. Махмудов Б.А. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик хусусиятлар.

### Резюме:

Мақолада узлуксиз педагогик амалиёт даврида талабаларнинг билимларини муваффақиятли амалга ошириш, биринчидан, қўйилган амалий масалаларни ҳал этиш учун лозим бўлган, аввал ўзлаштирган билимларини кучайтиришни, иккинчидан, уларни бирлаштиришни, умумийлаштиришни назарда тутди.

### Резюме:

В статье успешная реализация знаний студентов в период непрерывной педагогической практики предполагает, во-первых, закрепление полученных знаний, что необходимо для решения практических задач, во-вторых, их унификацию и обобщение.

### Resume:

In the article, the successful realization of students' knowledge during the period of continuous pedagogic practice implies, firstly, the strengthening of the acquired knowledge, which is necessary to solve the practical problems, and secondly, their unification and generalization.

**Калит сўзлар:** Узлуксиз таълим, ўқув фаолияти, таҳлил қилиш, касб-ҳунар, билим олиш, дунёқараш, ҳаёт тарзи, ўқитиш методикаси, педагогик амалиёт.

**Ключевые слова:** Непрерывное образование, учебная деятельность, анализ, профессия, приобретение знаний, мировоззрение, образ жизни, методика обучения, педагогическая практика.

**Key words:** Continuing education, educational activities, analysis, profession, knowledge acquisition, outlook, lifestyle, teaching methodology, pedagogical practice.

УДК. 82-3

## КӨРКЕМ ШЫҒАРМАДА ТУРМЫС ШЫНЛЫҒЫНЫҢ СӘЎЛЕЛЕНИҰИ

Д.Э.Камалова - Филология илимлери бойынша философия  
докторы (PhD)

*Өзбекстан мәмлекетлик консерваторияси Нөкис филиалы*

**Кирисиў.** Жазыўшыда индивидуаль өзгешелик өзи-өзинен емес, шеберлик сырларын үйрениўи, көркем-әдебий шығармалардан азықланыўы хәм тәжирийбе топлаўы нәтийжесинде пайда болады. Әсиресе, көркем аўдарма нәтийжесинде жазыўшының дөретиўшилик лабораториясы қәлиплеседи. Қарақалпақ әдебиятында жазыўшы А.Султанов дүнья халықларының шығармаларын ана тилимизге аўдарыў нәтийжесинде идеялық-тематикалық хәм жанрлық өзгешеликлерге ийе бир неше новеллалар дөретти.

Бул ҳаққында Профессор К.Алламбергенов жазыўшы дөретиўшилиги ҳаққында былайынша пикир билдиреди: «Жәхән әдебиятының мөлдир булақларынан студентлик жылларында-ақ нәр алған, Стефан Цвейг, Джек Лондон, Хемингуэй, Лев Толстой, Чехов, Максим Горький дөретпелерин қарақалпақ тилине аўдарған, соң орыс классик әдебиятының ўәкиллери Тургенов, Бунин, Купринлердиң тиккелей тәсиринде, әсиресе, Э.Золя, Ги де Мопассан, О.Генри, А.Камю, С.Моэм үлгисинде новеллалар дөретип, бул жанрдың жетик шебери болған жазыўшы өз шығармаларын көбинесе бизиң жасларымыздың турмысынан алып жазады, сонлықтан ол заман руўхына сай, өз оқыўшысына ийе шығармалар болып есапланады» [2].

Тийкарғы бөлим. Бүгинги турмыс шынлығы сәўлеленген новеллалары менен белгили жазыўшы А.Султановтың шығармалары идея-тематикалық жаңашыллығы, қахарман характерин жаратыў өзгешелиги менен айрылып турады. Әпиўайы болып көринген турмыс хәдийселери де оның новеллаларында тийкарғы мазмунды ийелейди. Жазыўшының «Жаўыннан соң», «Теңиз туўлайды», «Қыймаслық», «Тәрбия», «Әжел», «Ақыбет», «Қорқытыў», «Гүнасыз гүнәкар», «Табыттан соғылған бесик», «Жойтылмай қалған жүзик», «Адам жемейтуғын «ас», «Жалғызлық» ҳ.т.б. новеллалары турмыста жүз берген ўақыя-хәдийселердиң хәр қыйлы көринислерин сөз етиўи менен өзгешеленип турады.

Жазыўшы турмыстан ўақыя таңлаўға, түрли жанрдағы өз дөретпелерине атама қойыўға шеберлик пенен жантасады. Гейде шығармаларына қойылған темасының өзи-ақ оқыўшыда қызығыўшылық оятады. Бул автордың дөретиўшилик индивидуаллығына киреди. Жазыўшылардың бир-биринен өзгешеликке ийе болыўы шығарма мазмунына, турмыс ўақыяларын көркем сүүретлеўине хәм баянлаў усылларынан байланыслы. Новелла жанрындағы изленислер турмыс ўақыяларының бурын айтылмаған тәреплерин

сүүретлеуінде хәм кескин конфликт арқалы инсан тәғдирин кең планда ашып бериуінде көрине баслады. Мысалы, А.Султановтың «Табыттан соғылған бесик» [1] новелласында жазыушының өзине тән стильлик өзгешелиги көзге тасланады.

Шығарма атамасының өзи-ақ кимди болса да ойландырады. Табыттан соғылған қандай бесик екен. Бул айырым инсапсыз адамлардың турмыста ислеп атырған жаман ислериниң нәтийжеси болып есапланады. Бул новелланың сюжети хәм қахарманлары арқалы автор турмыс шынлығын ашшы хақыйқатлық пенен әшкаралауды өз алдына мақсет етип қойғанлығы сезиледи. Новеллада Нәзигүл апаның ишки толғаныслары, аўыр қайғысы, перзентлери ушын жанын отқа жағып жууырыуы, ақлығын аппақ бесикке салғанда шырлап жылауы, бесикте бир бәлениң барлығын сезген ананың бесик соғыушы устаның үйин излеп тапқанлығы, шеткеридеги жалғыз үй, виносын табыттың үстине қойып бесик соғып отырған еки мәскүнемниң көринислери, бетлери быдым-быдым устаның хәктем дауысы – бәри оғада исенимли сүүретленген.

Хәттеки, ананың дүньядан өткен баласының қәбирине жууырып кетиуи хәм оның да табытының жоқ екенлигин көрип пәрәд шегиуи терең драматизм менен бериледи. «Ана жүреги ханасына сыймай өксип-өксип жылады. Жарылқа, деп бир кудаға жалынып-жалбарынды. Баласының қәбирин қушақлап жатып, табыт урыларын жер тоқпақлап ғарғады хәм талықсып естен танып қалды. Лекин, табыт орнына келмеди» [1]. Демек, жазыушының бундай унамсыз ўақыяны шығарма сюжетине тийкар етип алыуы тосыннан емес. Турмыста обал-саўап хаққында ойланбайтуғын, өз кулқынының қулына айланған айырым мәскүнем адамлар да ушырасады. Егер, олар келешек әўладтың тәғдирин ойлағанда табыттан бесик соғар ма еди?! Новелла мине, усындай мәселелерди көтериуи менен баҳалы.

А.Султанов новеллаларында мораль, әдеп-икрамлылық, ышқы-мухаббат темасы басым орын ийелейди. Олардың идея хәм темасы бүгинги турмыста ушырасатуғын жеңил минезли қахарманларды әшкаралауға бағдарланған. Жеңил турмыс кеширіу менен өз нәпсин ойлаған қахарманлар көбирек сынға алынады. Олардың ислеген хәрекетлериниң надурис екенлиги шығарма жуўмағында көрсетип бериледи. Жазыушының «Ышқы», «Бийопалық», «Ақыбет», «Секириу», «Түнде түтенген тандыр», «Ғарры хәм қошқар» сыяқлы бир қанша новеллалары усындай мазмунды өзінде жәмлеген. «Ышқы» [1] новелласында «хәмелдар» адамның шаңарағы бола турып, жас қызды «екинши»си етип қойыуы, айырым қызлардың бундай тәғдирге көниуи, хәмледар болғаннан соң «хәмелдар»ға кереги болмай қалыуы, анасының қызына болған көзқарасы, хәмелдардың сыры паш болып жумыстан шығып қалыуы сыяқлы ўақыялар өз сәўлелениуин тапқан. Новеллада «хәмелдар» менен шофёры арасындағы диалоглар кимде болса да жеркениш сезимлерин оятатуғыны анық.

« – Кешир, иним, - деди ол, - нерв көтерилетуғын жағдай болып қалды. Жаңағы маңлайы қара жүкли болып қалыпты!

– Оның не қыйыншылығы бар, буннан бурынғы жеңгемдей етип, кәмбағал, қатын ала алмай жүрген биреўге басып-женшип бермейсиз бе?!

– Әй, ондайға көнетуғын мақаў емес ғой бул, анаў-мынаў емес, жигирма тоғыз жас кишкентай-аў меннен. Неде болса, буның менен ашықтан-ашық сөйлеспесек болмайды» [1]. Жазыўшының көпшилик шығармаларын анализлеп қарағанымызда, өмирдің жеңил-желпи тәрәпин таңлаған қахарманлардың аянышлы тәғдири баслы орынды ийелейди. Шығармаларында реалистлик сүүретлеўлер басым орын тутады. Лекин, айырым орынларда халқымыздың менталитетине жат сүүретлеўлер де ушырасады. А.Султановтың повестьлериндеги сюжет хәм образларды көркем шынлыққа айландырыўда усындай натуралистлик ушырасатуғынлығы әдебият изертлеўшилері Қ.Оразымбетов хәм Ж.Сағыйдуллаевалар тәрәпинен орынлы сынға алынған еди [7].

Турмыста жүз берген ўақыяларды сол қәлпинде көркем әдебиятқа алып кириў көпшилик ўақытта өзін-өзи ақламайды. А.Султановтың айрым новеллаларында усындай кемшиликлер де ушырасады. Мысалы, «Өмир» [1] новелласында жүз берген ўақыяларды сүүретлеўлери китап оқыўшысына хеш қандай заўық бағышламайды. Алданған қыздың басынан кеширгенлерин еске түсириўлери арқалы узақтан-узақ баянлап бериўи оқыўшыны исендире алмайды. Автордың мақсетин де түсиниў қыйын.

